

# Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига “Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман иштирокчиларининг мурожаати



20:21 / 30 октябрь 316

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари,

Сизнинг “Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман иштирокчиларига йўллаган табригингизни биз барчамиз конференциямиз учун ўзига хос дастуриламал сифатида қабул қилдик.

Ўзбекистон замида таваллуд топиб, ўзининг беназир истеъдоди, билим ва тафаккури, эзгу фазилятлари билан ислом оламида шуҳрат қозонган буюк алломаларнинг бой илмий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш борасидаги фаолиятимизга алоҳида эътибор қаратиб, камтарона меҳнатимизга юксак баҳо берганингиздан ғоят мамнунмиз ва бунинг учун Сизга самимий миннатдорлигимизни изҳор этамиз.

Манба: “Халқ сўзи” газетаси